
Туман ҳоқимлиги томонидан мактаблар учун 1000 литр антисептик воситалари етказиб берилди

Айни кунларда бутун мамлакатимизда бўлгани каби, Ўзбекистон туманидаги таълим муассасаларида ҳам 14 сентябрдан бошланажак янги ўқув йилига тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

Таълим муассасаларини дезинфекция ва антисептик воситалари билан таъминлаш, ушбу жараёнларни тўлиқ назоратга олиш масаласи эса туман ҳоқимлигининг айни кунлардаги кун тартибидан муҳим ўрин эгаллаган.

Шу мақсадда, ҳоқимлик ташаббуси билан туманимиздаги таълим муассасаларини дезинфекция воситалари билан таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.



Хусусан, бугун туман маҳаллий бюджетидан халқ таълими бўлими тасарруфидаги таълим муассасаларига 1000 литр антисептик воситалари етказиб берилди.

Пандемия шароитида мактаб ва мактабгача таълим муассасалари фаолиятини ташкиллаштириш учун бу каби ёрдам кўрсатиш тадбирлари туман ҳоқимлиги томонидан давом эттирилади.



Мазкур тадбирларнинг барчаси, пандемия шароитида таълим муассасалари фаолиятини ташкил этишда санитария чораларини амалга ошириш ҳамда бу орқали азиз фарзандларимиз ва устоз-мураббийларнинг саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилган.

Маълумот ўрнида эслатиб этамиз, бугунги кунда туманда 67 та умумтаълим мактаблари ва 59 та давлат мактабгача таълим муассасалари мавжуд.

2020-09-12 21:33:49

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати